

Normal 0 false false false RU X-NONE X-NONE

Мехрибон ва рахми Аллох номи ила

Исм

Унинг кассаси чиройлидир, хикояси эса ўз сохибаси каби покдир, эй суюклиларим, биз эса уни яхшилаб ўрганишимиз лозим, бу кассанинг сохибаси ким? Биз уни номлаган исми нима? Бу исмнинг маъноси нима? Сизларга бу уч саволга мана шу кассада жавоб бераман, жавобни яхшилаб ёдлаб олинглар: албатта, бу кассанинг сохибаси саййидимиз Ийсо (алайхиссалом)нинг волидаларидир (оналари), у зотнинг исмлари Марям, оналари дунёга келтирган пайтда шундай исм кўйгандилар, Марям сўзининг маъноси эса Аллохга ибодат килувчидир «обида» (ибодат килувчи). Хозир эса мўмина бўлган обида Марямнинг кассасини ўрганамиз.

Оила

Марям (алайха ас-салом) иймон эгаллаб турган ва Аллох таолонинг тоати асос бўлган: у ерда ёшу қари Аллох таолони севадиган, Аллох таолони бу оилани оилалар орасидан танлаб олди ва у инсониятнинг оилалари ичида афзал қилган уйда ўсиб-улгайди. Бу оиланинг номи Куръонда қелган «Оли Имрон»дир. Роббимиз бу афзаллик ва танлаб олишни айтиб берган. Оли Имрон сурасида таолонинг Ўз сўзи ила нозил бўлгандир:

«Албатта, Аллох Одамни, Нухни, Оли Иброхимни, Оли Имронни оламлар устидан танлаб олди.

Баъзилари баъзиларига зурриётдир. Аллох эшитувчи, билувчи Зотдир».

(Ушбу 33-оятда Аллох таоло Одамни ва Нух (алайхиссалом)ларнинг ёлғиз ўзларини Иброхим ва Имрон (алайхиссалом)ларни эса сулолаларини ҳам қўшиб зикр қилди. Нега? Чунки Одам ва Нух (алайхиссаломлар) ёлғиз ўзлари Пайгамбар бўлганлар. Иброхим ва Имрон (алайхиссалом)лар зурриётларидан бевосита пайгамбарлар сулоласи тарқалган. Бу насаб ёки қариндошлик асосидаги пайгамбарлик сулоласи эмас, балки акий(да асосидаги сулоладир. Бу ҳақиқат Иброхим (алайхиссалом) Аллохга илтижо қилиб, зурриётларидан ҳам Пайгамбар чиқаришини сўраганларида баён қилинган).

Омонлик онаси

Сизларга умму Марям (Марямнинг онаси) ҳақида бироз сўзлаб бераман. Ёки Марямнинг

отаси бўлган Имроннинг аёли. Албатта, бу аёл умрининг аввалида бола тугмади, мана бу холатда узок вақт яшади. Агар мен сизлардан сўрасам, инсон бу дунёда Аллох уни тарбиялаши, уни севиши, унга меҳрибонлик қилиши учун кичик фарзанд ила ризклантиришини хохламайдими? Жавоб: ха, албатта, шу узок муддат давомида тугмаган Имроннинг аёли Аллох таоло уни Аллох Азза ва Жалланинг таоти ва мухаббати йўлида тарбия қилиши, катта бўлганида унга муаян неъматлар келтириши учун кичик бир чакалок билан ризклантиришини жуда ёлвориб сўрарди.

Дуо

Мана шундай холда у қўлларини Аллох томон қўтарган холда осмонлару ернинг роббисига илтижо қиларди, хушуъ ва хузуъ ила Ундан ўтиниб сўрарди. Мана шундай холда агар Аллох уни фазанд ила ризклантирса ва у сўраган нарса хақиқатга айланса, бу чакалокни Макдис шаҳридаги ибодатхонага хизматчи бўлишини назр қилди, ёки ўша ердаги Аллохнинг уйига хизматчи бўлишини назр қилди. Бу унинг ихлоси ва кучли иймонига далил эмасми? У болани ва чакалокни бу дунёда хурсанд бўлиш учун (яъни бу дунё кувончи учун) хохламасди, аксинча, албатта, у Аллохга ўлимидан кейин Аллохга итоат қиладиган ва хаёти давомида ибодатхона хизмати ва ибодат учун ўзини бағишлайдиган солих фарзанд ила ризклантиришини сўраб дуо қилди.

Хурсандчилик

Эй суюклиларим, Аллох таоло эса бу солиха аёлни унутмади. Имроннинг аёли садокат ва ихлос ила ёлгиз Ўзига дуо киларди, У Зот эса уни эшитар ва сўраган нарсасини бермаган холда ташлаб кўймасди. Унга шундай жавлб келди: Эй мўмина бўлган аёл, хушхабарни олгин, албатта, Аллох дуоингни кабул килди, сен Ундан сўраган фарзандни ато этажак. Эй укаларим, бу онанинг мана шу хушхабардаги кувончини тасаввур килиб кўринглар, (кўзлари чараклаб) дунё кўзларига чарогон кўришиб кетди, бахт келтирган кувончдан тараддудланиб: Ё парвардигоро, Ўзингга шукр! Эй катта-ю кичикнинг Роббиси, Сенга хамд бўлсин! Аллохим! Эй оламлар Роббиси, неъмат килиб берган барча неъматларинг учун Сенга хамд бўлсин.

Тугиш

Бир неча ойлар ўтиб Имроннинг аёли бу иш якинлашаётганини ва чакалок жонланиб унинг корнида харакатланаётганини сизди. Кун сайин унинг кувончи ортиб борарди, тили хам кувонч ва бахтдан шукр ва хамдлар ила харакатланиб Аллохни тасбех билан зикр киларди, чакалок учун тайёрлана бошлади, тугилганидан кейин унга керак бўладиган нарсаларни хозирларди. Хомила эса ўзининг дастлабки тўккиз ойлик умрини охирига етказди ва онасининг корнидан мана бу хаётга чикиб олиш учун харакатланади, шундай холда бироз ўтмади хамки, тугилиш энгил ва осонлик билан ўтди. Эй дуоларни кабул килувчи Зот, Сенга хамд бўлсин, Сен барча ишларни биз учун осон ва энгил килиб кўясан.

Махзунлик

Чакалок янги хаётга кадам кўйди, онаси Аллох уни ризклантирган чакалокка карашлик ила севинди, албатта, у олдида эди, шундай экан, у кўзларини уни кўриш учун очади ва бироз олдин кўрган тугилиш оғрикларини унутиб юборади, лекин у ўзини бир тушунмовчилик олдида кўрди? Чакалокка караганидан кейин нима содир бўлди? У хайратланди ва ажабланди? Бу карашдан кейин унга махзунлик кела бошлади. Нима учун? Нима бўлдики, у махзун бўлиб махзунлиги ортиб борди? Нима хакида ўйлади? Уни хайратлантирган ва ажаблантирган нима эди? Кейинги саҳифани очайлик ва бирга ўқийлик-чи...

Киз

У дуо килиб кўзини осмонга каратди ва шундай деди: Эй Роббим! **«Эй Роббим, мен буни киз тугдим-ку!»**

У чакалокни киз бўлади, деб ҳеч ўйламаган эди, унинг бутун хаёли бу иш бўлишидан олдин Аллохга назр қилганидек ибодатхона хизматига лойик бўлган ўгил дунёга келишида эди. Хозир эса чакалок киздир, киз эса ибодатхона хизматига эркак киши лойик бўлгани каби лойик бўлолмасди?! Она ўз сўзларини айтди ва кўзлари осмонга караб колди, Аллох барча нарсаларни эшитувчидир ва унинг ушбу сўзини эшитди:

«Эй Роббим, мен буни киз тугдим-ку!»

Эй суюқлиларим, сизлар ҳам худди Аллох айтгани каби айтишингиз мумкин:

«Холбуки, Аллох нима тукканини яхши билади».

Ха, Аллох буни билади, лекин уни айбу нуксонлардан Пок бўлган Зот ўзи билган бир иш учун киз билан ризклантирди, кизнинг ҳам даъват ва мўминаларни йигишда улуг даври (яъни буюк ишлар даври) бор эди.

Яна кайтадан кувонч

Имроннинг аёли ўз сўзини шундай давом эттирди: «**Ва ўгил киздек эмас. Ва мен унга «Марям» деб ном кўйдим ва, албатта, мен сендан унга ва унинг зурриётига шайтонир рожим шарридан панох тилайман».**

Аллох унинг сўзларини қабул қилади ва дуосини иккинчи марта ижобат қилади, чакалок киз бўлса ҳам, ундан ушбу назрни қабул қилади, бу қабул эса унинг махзунлигини енгиллатди ва унинг махзунлиги яна қайтадан қувончга айланди. У чакалокни сўрар эди, Аллохнинг изни ила чакалок дунёга келди, у ўгил бўлишини хоҳлаган эди, лекин киз дунёга келди, уни Аллохга назр қилгани ва Аллох қабул қилиши учун хоҳлаган эди, Аллох унинг назрини қабул қилди ва унга Ўз неъматини тўлик қилиб ато этди.

Омонат

Бироз муддатдан сўнг она кизи Марямни кўлларида кўтариб у билан ваъда қилган жойи, яъни ибодатхонага кетди, шундай холда у эшикни тақиллатиб рухонийларга шундай деди: «Бу – менинг кизим, Аллох менга ато этган неъматдир, уни бир неча кун олдин тугдим, мен чакалогим мана шу ибодатхонанинг хизматида бўлишини Аллохга назр қилган эдим, шундай экан, мен кизимни Аллохга омонат қилиб сизларнинг кўлингизда тоат ва иймон ила тарбия топиши учун сизга топшираман. Рухонийлар омонатни қабул қилдилар ва Марямни кўтариб олдилар, она эса Аллохга қилган назрига вафо қилганидан кейин уйига қайтди.

Хусумат ва низо

Она ўз кизини уларнинг қўлига топшириб уйига кайтганидан кейин рухонийлар ибодатхонага кирадилар. Шундай холда улар кичик кизчага ажойиб лутф ила назар соладилар, барчалари бу чакалокни тарбиялашни орзу килардилар, хаттоки улар мана шу ишда ўзаро жанжаллашдилар ва келишолмадилар, бакир-чакир килдилар, низолашдилар, уларнинг хусуматлари ортиб борди, бунинг эса ажабланарли жойи йўк эди. Чакалок Имроннинг кизи эди, онаси эса Имроннинг аёли, оиласи хам Имроннинг оиласи (яъни Оли Имрон) эди, чакалокнинг ўзи Аллох учун ва мана шу ибодатхона хизмати учун назр килинган эди, уни тарбиялаш эса буюк шараф эди. Кизик, уни кафилликка олиш шарафига ким муяссар бўлар экан?

Мен уни кафилликка оламан

Рухонийлар орасида биз у билан аввалги киссамизда танишган, мўмин бўлган бир Пайгамбар бор эди, албатта, у Аллохнинг Расули бўлган Закариё (алайхиссалом)дир, у янги чакалок яъни Марямга якин эди. Унга якин бўлганлиги учун у Марямни кафилликка олишга ҳакли эди, рухонийлар орасида унинг ўрни катта эди, лекин рухонийлар ўзаро куръа ташлашдилар, куръа якунланиб, Закариё (алайхиссалом) голиб бўлди, уни кафилликка олиб тарбия килди, Марям одамлардан узоклашди, бироз вақтдан сўнг Закариё у учун Аллох таолога якка холда бир ўзи, тинчлик ва хотиржамликда ибодат килиши бир хона куриб берди, Марям бу хонада ибодат ва солих амаллар билан яшади.

Меҳробнинг ичида

Бу узокдаги хонага Закариё (алайхиссалом)дан бошка хеч ким киролмасди, унга керак бўладиган таом ва ичимлик келтириш учун кун ора зиёрат килиб турарди, лекин хар сафар унинг олдида кирганида янги ризкни (янги таомларни) кўрар эди!!! Унинг янги таом ва ичимликка эҳтиёжи бўлмасди. Закариё унинг олдида ўзидан бошка хеч ким таом олиб киролмаслигини билиб унинг олдидаги янги таомлардан хар сафар ажабланарди, ундан сўради: «Эй Марям, сенга хар куни каердан ризк келяпти? Марям (алайха ас-салом) шундай деди: **«Бу Аллохнинг хузуридан. Албатта, Аллох хохлаган кишисига бехисоб ризк беради».**

Закариё бу сўзни эшитганида хурсанд бўлиб яхшиликни башорат килди. Кўлларини осмонга кўтариб Роббиси таолодан уни Исломга даъват килиш йўлида унга ворислик киладиган солих ўгил фарзанд сўраб дуо килди. Албатта Аллох хар ишга кодир бўлган Зотдир, бандаларини ризклантиради, Закариё (алайхиссалом)нинг дуосини хам кабул килади. Эй укаларим, мен сизларга бу ҳақда аввалги киссамизда (Закариё ва Яхё киссасида) тўлик айтиб бергандим, агар ундан бирор нарсани унутган бўлсангиз, у холда Аллох Яхё исмли ўгил билан ризклантирган саййидимиз Закариё (алайхиссалом) киссасига кайтишингиз керак бўлади.

«Аллох хохлаган кишисига бехисоб ризк беради».

Аллохим! Бизларни илм, хикмат ва яхшиликлар билан ризклантиргин. Бизларга солих зурриётлар неъматини ато этгин, бизларга жуфт халолимиз ва зурриётимиздан кўз кувончини бергин, бизларни муттакийларга (такводорларнинг энг яхшилари) имом килгин.